

Абдували ИСАДЖАНОВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси,
зиёрат туризми кафедраси доценти,
иқтисод фанлари доктори
isadjanov@inbox.ru

ЭКОЛОГИК ЙЎНАЛТИРИЛГАН БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

ФАКТОРЫ И ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ОРИЕНТИРОВАННОГО РАЗВИТИЯ

FACTORS AND PRIORITY AREAS OF ENVIRONMENTALLY- ORIENTED DEVELOPMENT

Аннотация: Мақолада жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида глобал экологик муаммоларни миллий иқтисодиётнинг янги ривожланиш модели доирасида ҳисобга олиш, мамлакатни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, экология соҳасида Ўзбекистонда ҳал этилиши лозим бўлган давлат дастурлари атроф-муҳитни ҳозирги ва келажак авлод учун муҳофаза қилишга йўналтирилишини таъминлаш ва табиий захираларни асраб-авайлаш жараёнини кучайтириш, мамлакатимиз экологик муаммоларни ҳал этишда экотизимнинг комплекс ва локал қайта тикланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар таҳлил этилган бўлиб, устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш механизмлари келтирилган.

Таянч иборалар: экологик таҳдидлар, трансгегаравий таҳдидлар, офатлар, экотизим, иқлим ўзгариши, атроф-муҳит, барқарор ривожланиш, давлат дастурлари, экологик мониторинг, энерго- ва ресурс тежамкорлик.

Аннотация: В статье рассматриваются глобальные экологические проблемы в контексте новой модели развития национальной экономики в условиях глобализации экономики, защиты страны от различных угроз, обеспечения ориентации государственных экологических программ в Узбекистане на охрану окружающей среды с учетом будущих поколений и сохранения природных ресурсов, осуществлен анализ мер, направленных на обеспечение комплексного и локального

восстановления экосистемы при решении экологических проблем страны, представлены приоритеты и механизмы их реализации.

Ключевые слова: экологические угрозы, трансграничные угрозы, бедствия, экосистема, изменение климата, окружающая среда, устойчивое развитие, государственные программы, мониторинг окружающей среды, энерго-и ресурсосбережение.

Annotation: The article examines global environmental problems in the context of a new model for the development of the national economy in the context of economic globalization, protecting the country from various threats, ensuring the orientation of state environmental programs in Uzbekistan towards environmental protection, taking into account future generations and preserving natural resources, an analysis of measures aimed at ensuring comprehensive and local restoration of the ecosystem while solving environmental problems of the country, the priorities and mechanisms for their implementation are presented.

Keywords: environmental threats, transboundary threats, disasters, ecosystem, climate change, environment, sustainable development, government programs, environmental monitoring, energy and resource conservation.

КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви мамлакатлар иқтисодиётининг тез суръатда ўсишини таъминлаш билан биргаликда баъзи бир глобал муаммоларни ҳам юзага чиқараяпти ва натижада иқтисодиётнинг янги ривожланиш модели доирасида глобал экологик ўзгаришларни ҳисобга олишни талаб қилмоқда. Маълумки, дунёда содир бўлаётган ва тобора ривожланиб бораётган табиий жараёнлар экологик таҳдидлар билан бевосита боғлиқлиги эътироф этилмоқда.

Замонавий рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш ҳамда ривожлантириш стратегиясини изчил амалга ошириш натижасида сўнги йилларда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланиб макроиқтисодий мувозанатлашув ҳамда иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнлари амалга оширилмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ушбу жараёнларни амалга оширишда мамлакатимизни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, тинчлик ва барқарорликни янада

мустаҳкамлаш – барча ютуқларимизнинг бош гарови деб ҳисобланмоқда.

Экология соҳасида Ўзбекистонда ҳал этилиши лозим бўлган миллий вазифалар давлат дастурлари атроф-муҳитни ҳозирги ва келажак авлод учун муҳофаза қилишга йўналтирилишини таъминлаш ва табиий захираларни асраб-авайлаш жараёнини кучайтириш, мамлакатимиз экологик муаммоларни ҳал этишда экотизимнинг комплекс ва локал қайта тикланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида” деб белгилаб қўйилган [1].

Жаҳон ишлаб чиқариши ва истеъмол ҳажмининг тез ўсиши атроф-муҳитнинг инсон фаолияти натижалари билан курашиш имкониятини 25-30 фоизга қисқартирди, экотизимнинг 60 фоизи инсонлар томонидан ҳаддан ташқари кенг фойдаланилмоқда [2:55-58].

Демографик ўсиш озиқ-овқат ва энергияга бўлган талабнинг ортишига олиб келади. 2030 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари таклифи ҳозиргига қараганда 50 фоизга, тоза ичимлик суви истеъмоли эса 30 фоизга ўсади [3:21].

Мамлакатимиз атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бир қатор халқаро конвенция ва кўп томонлама халқаро шартномаларга қўшилди, шу жумладан, Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахена протоколи, трансчегаравий сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисида, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси, Киото протоколи ва Иқлим ўзгариши бўйича Париж битими, Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция ва Монреаль протоколи, Чикиндиларни трансчегаравий ташишни тартибга солувчи Базель конвенцияси шулар жумласидандир [4].

Ўзбекистонда иқлим ўзгаришлари, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини

камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш масалаларига катта эътибор қаратилган [5].

“Улар орасида экологик хавфсизлик, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш эътиборимиз марказида туриши зарур” деб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида таъкидланди [6].

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг иқлим ва геологик-географик хусусиятлари, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг инфратузилмаси кўп турдаги фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши хавфини (сув омборларининг катта қисми сейсмик хавфли ҳудудларда жойлашганлиги, фавқулодда экологик вазият, шунингдек, экологик офат ҳудудларининг мавжудлиги, трансчегаравий хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар хавфининг ортиб бориши, экологик ифлосланиш кўламининг кенгайиши ва бошқалар) эътиборга олишни тақозо этади.

«2015–2030 йилларда офатлар хавфини камайитириш бўйича сендай ҳадли дастури»ни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрель 299-сон қарори қабул қилинди [7].

Стратегиянинг устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш механизмлари офатлар хавфи тўғрисидаги билимларни ошириш, офатлар хавфини бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, офатлар хавфини камайитириш тадбирларига инвестициялар киритиш, офатлар юз берганда ҳаракат қилишга тайёргарликни ошириш каби чора-тадбирларни камраб олган.

Офатлар хавфи тўғрисидаги билимларни ошириш қуйидагиларни назарда тутади:

– юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг ташқи (трансчегаравий) ва ички манбаларини аниқлаш ва баҳолаш, прогноз материалларини тайёрлаш, замонавий геоахборот технологиялари асосида маълумотлар базасини юритиш;

– юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар хавфи ва улар етказиши мумкин

бўлган зарарни баҳолашнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш;

– давлат бошқаруви органлари мансабдор шахслари ва аҳолининг офатлар хавфини камайтириш масалалари бўйича маълумотга эгалиги ва хабардорлик даражасини ошириш, шунингдек, уларга билим бериш ва уларни ўқитиш;

– юзага келиши мумкин бўлган хавфларнинг олдини олиш, уларнинг оғир оқибатларини камайтириш ва реабилитация қилиш масалалари бўйича аҳолини ўқитиш, кадрларни профессионал тайёрлаш дастурларини янада такомиллаштиришга қўмаклашиш;

– юз бериши мумкин бўлган офатларнинг оғир оқибатларини камайтириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун юз бериши мумкин бўлган хавфлар, аҳолининг ва ҳудудларнинг заифлиги тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш;

– жамоат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар орқали фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотни тарқатиш мақсадида фуқаролар ўртасида ўзаро ҳамкорликни яхшилаш.

“2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрь №ПФ-5863-сонли Фармонида кўра 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини 2019–2021 йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди [8].

Концепцияни амалга оширишда куйидаги ёндашувлардан фойдаланиш назарда тутилган:

норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш ва такомиллаштириш – халқаро нормаларни имплементация қилиш, экологик қонунчиликни кодлаштириш, экологик сугурталаш, аудит ва стратегик экологик баҳолаш тизимини жорий этиш, экологик сертификатлаштиришни мувофиқлик сертификати тизимига интеграция қилиш, атроф- муҳит ифлосланишини ҳисоблаб чиқишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

иқтисодиётни экологиялаштириш – табиий ресурслардан уларнинг бузилишини истисно этадиган тарзда оқилона фойдаланиш, мажбурий экологик экспертиза ўтказиш

экотизимларнинг ўз потенциал сиғимини қайта тиклаш имкониятларини баҳолаш;

табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш – ташланмаларни ташлаш учун тўлов миқдорларини уларнинг ҳажмига ҳамда атроф- муҳит ва аҳоли соғлиги учун хавфлилигига боғлиқлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилишни бюджетдан молиялаштиришнинг мақбул даражаси;

атроф- муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида назоратни кучайтириш – атроф муҳитни– муҳофаза қилиш соҳасида давлат органларининг ҳуқуқ ҳамда ваколатларини аниқ чегаралаш, экологик йўналишдаги барча органларни ягона давлат органи доирасида оптимал даражада марказлаштириш ва қарорлар қабул қилиш учун унга зарур, асослантирилган ваколатлар бериш, назорат органларини моддий-техник жиҳозлашнинг мақбул даражаси;

комплекс экологик мониторингни олиб бориш – атроф-табиий муҳитнинг ягона давлат экологик мониторинги тизимини такомиллаштириш, ахборот ресурслари фондиди шакллантириш;

инновацион технологик жараёнлар ва методикаларни ишлаб чиқиш –экологик тоза технологиялар, ишлаб чиқаришлар, хомашё, материалларнинг турлари, маҳсулотлар ва ускуналарнинг илмий ишланмаларига, экотизимларнинг заифлигини ва табиий муҳит ифлосланиш даражасининг аҳоли саломатлигига ва атроф-муҳит объектларига таъсирини тадқиқ этишга инвестициялар киритиш;

экологик маданият ва таълимни шакллантириш — фуқаролик жамияти институтларини жалб этган ҳолда, аҳолининг узлуксиз экологик таълими комплекс тизимини ташкил этиш, атроф-муҳит масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда аҳолининг иштирок этиши;

халқаро ҳамкорликни кучайтириш – атроф-муҳитнинг хавфсиз даражасини сақлаб қолиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш ишида халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларида иштирок этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ва табиатдан оқилона фойдаланишга қўшимча ташқи инвестицияларни жалб этиш назарда тутилган.

2019 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019–2028-йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПҚ-4291-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур стратегияни ишлаб чиқишдан асосий мақсад қаттиқ маиший чиқиндилар (ҚМЧ) ҳосил бўлишини камайтириш, маиший чиқинди ҳосил бўлишининг ўсиш жараёни ва уларнинг хавфлилигини камайтириш, қаттиқ маиший чиқиндилар ва улардаги фойдали таркибий қисмларни қайта ишлаш орқали улардан иккиламчи хомашё сифатида фойдаланиш, ҚМЧлардан биогаз ва синтез-газ олиш, муқобил энергия сифатида электр ҳамда иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ёки маиший газ сифатида фойдаланиш ҳисобланади.

Стратегия доирасида ҚМЧларни қайта ишлашнинг самарали ва замонавий тизими яратилади. Санитария жихатидан тозалашга ихтисослаштирилган давлат ташкилотлари учун 57 та янги автопарк қурилиши ва 44 та автопарк таъмирланиши белгиланган. 2022 йилдан 2025 йилгача шаҳарларнинг кўп қаватли турар жой секторида 5 турдаги алоҳида белгили контейнерлар ўрнатиш асосида ҚМЧ саралаб йиғилади. Ободонлаштириш объектларида “Тоза шаҳарда баҳор” ва “Тоза шаҳарда куз” ёшлар акциялари, Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишланган “Тоза шаҳар” экологик акциялари ўтказилади. Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш ва “Тоза ҳудуд” ДУК моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳудудларда 644 та чиқинди йиғиш майдончаси қурилади, 3 623 та контейнер ўрнатилади ва 245 та махсус техника харид қилиниши белгиланган [9].

Маълумки, “Ифлослантирувчи тўлайди” Стратегиянинг асосий тамойилларидан биридир. Унга мувофиқ, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича харажатлар чиқиндиларни ҳосил қилувчилар томонидан қопланиши кўзда тутилган. Стратегияни амалга ошириш учун жами 2,18 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши режалаштирилган. Стратегия қуйидаги босқичларда амалга оширилиши белгиланган:

биринчи босқич (2019–2021-йиллар) – ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни амалга

ошириш соҳасидаги қонунчилик базасини ва иқтисодий тартиботлар механизмларини такомиллаштириш;

иккинчи босқич (2022–2028-йиллар) – ҚМЧларни саралаб йиғиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш. Иккинчи босқичда қуйидагиларга эришиш белгиланган:

аҳолини ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олишни 100 фоизга етказиш;

ҳосил бўладиган ҚМЧларнинг камида 60 фоизини қайта ишлашни таъминлаш;

ўзига хос ҚМЧларни қайта ишлаш ҳажмини 25 фоизгача ошириш, полигонларга кўмиш учун йўналтирилаётган ҚМЧлар ҳажмини 60 фоизгача камайтириш, ёпилган полигон ерларини тўлиқ рекултивация қилиш, ҚМЧлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларида муқобил энергия манбаларидан 35 фоизгача фойдаланиш, полигонлар ҳолати мониторингини (ер ости сувлари ва атмосфера ҳавосининг ҳолати устидан назорат) 100 фоизгача таъминлаш. Қарор билан Стратегияни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури тасдиқланди. Дастурга мувофиқ, “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистон Республикасида ҚМЧнинг ҳосил бўлишининг йиллик ҳажми прогнози 14-14,5 млн. тонна атрофида баҳоланади. Аҳолининг ўртача 1,5 фоизга кўпайиш суръатини ҳисобга олганда эса, ушбу кўрсаткич 2028 йилга келиб 16-16,7 млн. тоннага етиши мумкин.

Бу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг экологик хавфсизлигини таъминлаган ҳолда барқарор ривожланишнинг ташкил этилишига самарали таъсир кўрсатади.

Шунингдек, Ўзбекистонда ҳозирда экологик ёндашилган иқтисодиётни ташкил этишда, атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда ривожланишни бир маромда барқарор ушлаб туриш, шунингдек, “яшил иқтисодиёт”га босқичма-босқич ўтилишини жорий қилиш мақсадида нафақат ички чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, балки глобал миқёсда ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг Париж битимига қўшилиши муносабати билан “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича давлат стратегиясини ишлаб чиқиш

шулар жумласидандир. Ушбу стратегиянинг асосий мақсади иқлим ўзгаришига қарши тизимли курашишнинг илғор механизмларини жорий қилиш, “яшил иқлим” жамғармасининг ресурсларига йўл очиш, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, жумладан, ишлаб чиқаришга “яшил технологияларни” жорий қилиш ҳисобланади.

Дастурда Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий дастур концепциясини ишлаб чиқилиши белгиланган. Бунда Марказий Осиёда сувдан тежамкор фойдаланиш, сув манбаларини бошқариш ва оқилона фойдаланиш масалаларида минтақавий ҳамкорликни янги босқичга кўтариш; сув манбаларини бошқариш ва оқилона фойдаланиш масалаларида тежамкор технологияларни, илғор хорижий тажрибани татбиқ этиш учун донор-давлатлар, халқаро институтлар молиявий маблағларини жалб қилишни жадаллаштириш; Амударё ва Сирдарё бўйича БМТ томонидан ишлаб чиқилган конвенцияларни илгари суриш; сув ва экологик муаммоларни ҳал қилиш учун минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда Оролни кутқариш халқаро фонди салоҳиятидан унумли фойдаланиш назарда тутилган.

“2019–2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрь ПҚ-4477-сонли қарори қабул қилинди [10].

Қарорда Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтишининг асосий вазибалари белгиланди:

– технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

– давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган “яшил” мезонларни киритиш;

– давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш орқали “яшил” иқтисодиётга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов

лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;

– таълимга инвестициялар киритишни рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига “яшил иқтисодиёт”даги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

– Орол бўйидаги экологик инкирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини кўриш;

– “яшил иқтисодиёт” соҳасида, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Стратегияни амалга оширишнинг куйидагиларни назарда тутувчи мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланди:

– иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 10 фоизга қисқартириш;

– икки карра энергия самарадорлиги кўрсаткичини ошириш ва ялпи ички маҳсулот углерод сарфи ҳажмини камайтириш;

– қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроғига етказиш;

– 100 фоизгача аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини замонавий, арзон ва ишончли энергиядан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш;

– саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш, энергия самарадорлигини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорга ошириш ҳамда соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларидан янада кенг фойдаланиш ҳисобига уларнинг барқарорлигини таъминлаш;

– энергия самарадорлиги ва экологик жиҳатдан яхшиланган тавсифларга эга мотор ёқилиси ва автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни ҳамда улардан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек, электр транспортини ривожлантириш;

– иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва уларда

етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигини 20-40 фоизгача ошириш;

– ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга эришиш;

– асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача ҳосилдорлигини 20-25 фоизгача оширишга эришиш.

Атроф-муҳит ифлосланиши туфайли зарарни баҳолаш тизимини шакллантириш мониторинг асосида тўпланган маълумотларни сақлаш ва тизимга солиш имконини берадиган ахборот базасини яратишга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш лозим.

Натижада бундай ахборот-таҳлилий тизим экологик-иқтисодий таҳлил жараёнини рақамлаштириш, атроф-муҳитнинг турли компонентлари ифлосланиши туфайли зарарни комплекс баҳолаш, салбий экологик таҳдид ва хавфларни мониторинг қилиш ва прогнозлаштириш дастурий воситаларини ишлаб чиқишга имконият яратади.

Ушбу масалани ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасида “Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 737-сон қарори катта аҳамиятга эга [11].

Мазкур қарорда:

биринчидан, атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳамда салбий таъсир юзага келишини прогнозлаштириш йўли билан унинг олдини олиш, шунингдек, табиий ресурслардан фойдаланишни тизимли равишда кузатиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорати юритилишини баҳолаш, ахборот билан таъминлаш, табиий ресурслардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш белгиланган;

иккинчидан, 2021 йил 1 январдан бошлаб атроф табиий муҳитга таъсир қилиш хавфи юқори бўлган янги ишга тушириладиган хўжалик субъектларининг атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларида намуналарни олиш ва таҳлил қилиш бўйича автоматик станциялар, шунингдек, уларга туташ ҳудудларда стационар кузатиш пунктлари (постлари) мажбурий тартибда хўжалик

юритувчи субъектлар маблағлари ҳисобидан ўрнатилади;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги соҳасида барча вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган.

Европа “яшил” курсида ҳам давлат ва бизнесни ҳамкорликда атроф-муҳитни сақлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлари асосланган [12]. Жаҳон иқтисодий форумининг 2021 йилдаги ҳисоботида атроф-муҳит билан боғлиқ рисклар ва уларни бартараф этиш борасидаги таклифлар келтирилган: иқлим ўзгариши, технологик рисклар ва ижтимоий рисклар) [13].

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган фикрларни ва тавсия этилган чора-тадбирларни эътиборга олиб миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ресурс-самарадор моделига ўтишда эътиборни:

– экологик таҳдидларни, биринчи навбатда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таҳдид солувчи иқлим ўзгариши, биохилмаҳилликнинг камайиб бориши, қишлоқ хўжалик ерларини деграциясини бартараф этиш, олдини олиш;

– фавқулотда табиий ва техноген характерга эга таҳдидларнинг олдини олиш, агарда юзага келганда оқибатларини камайтириш ва экотизимга салбий таъсирини бартараф этиш;

– ҳудудларнинг экологик хавфсизлик даражасини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш объектларини ва ташкилотларни оптимал жойлаштириш;

– мамлакат саноат тармоқларида экологик модернизацияни, шу жумладан, қурилиш, металлургия, енгил ва текстил саноатида, кимё саноатида амалга ошириш;

– ресурс тежамкорлик ва экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариш, харидлар, маркетинг ва логистикаларнинг экологик занжирларини барпо этиш;

– мунтазам равишда ҳудудларнинг экологик юқини камайтириш эвазига талаб даражасига келтириш;

– экологик зарарли ҳудудларни реабилитация қилиш ва табиий ҳолатига келтириш;

–табiiй ва техноген характерга эга бўлган экологик қалтисликларни бошқариш тизимини яратиш ва экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий базасини шакллантириш;

– гидрометеорологик ва экологик ахборот тизимининг технологик даражасини замонавий автоматлаштирилган ўлчов ва қайта ишлаш тизимлари билан жиҳозлаш асосида ошириш, дистанцион зондлаш ва мониторингни жорий этиш, экологик таҳдидларни башорат қилишда янги усуллардан фойдаланиш, экологик соҳадаги глобал ахборот тизимларига интеграцияланиш;

– миллий иқтисодиётда энерго- ва ресурс тежамкорликни ошириш мақсадида энерготежамкор технологияларни жорий этиш ва издан чиққан экологик тизимларнинг қайта тиклаш технологияларини такомиллаштириш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://constitution.uz/uz/clause/index>
2. Исаджанов А.А., Дадабоев У. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг экологик жиҳатлари. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. Илмий-таҳлилий ахборот бюллетени. 2012 йил, 3-сон. 55-58 бет .
3. Исаджанов А.А. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг экологик жиҳатлари. Монография. Тошкент.: Complex Print, 2020. – 21 б.
4. Ғаффоров Х. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий кафолати. <https://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/32998/>
5. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 7 февраль 2017 йил ПФ-4947, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, www.lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12. 2018. <http://www.uz.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasy-28-122018>.
7. «2015-2030 йилларда офатлар хавфини камайтириш бўйича сендай ҳадли дастури»ни ўзбекистон республикасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрель, 299-сон қарори.// <http://lex.uz/docs/4283790>
8. “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил “30” октябрь №ПФ-5863-сонли Фармони.// Lex.Uz.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги “2019–2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПҚ-4291-сонли Қарори.
10. “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “Яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрь ПҚ-4477-сонли қарори//Lex.Uz
11. Ўзбекистон Республикасида «Атроф табiiй муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 737-сон қарори. <http://lex.uz/docs/4502812>
12. The European green deal assessing its current state and future implementation. https://www.fia.fi/wp-content/uploads/2020/05/wp114_european-green-deal.pdf. May 2020.
13. The Global Risks Report 2021. 16th Edition. World Economic Forum. http://www3.weforum.org/docs/WEF_The_Global_Risks_Report_2021.pdf